

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“Йўлқурилиш” АЖ**  
**ягона акциядорининг**  
**2022 йил “08” июлдаги**  
**77/08-2-қр – сонли Қарори**  
**4-илова**

**“ЙЎЛҚУРИЛИШ” АЖ**  
**КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ**  
**НИЗОМИ**  
**(янги тахрир)**

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (бундан кейин матнда - Қонун)га, Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015й. 9-сон) талабларига, “Йўлқурилиш” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) уставига ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган, кузатув кенгашининг мақоми ва унинг ишини, регламентини, унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва Жамият устави билан ягона акциядор ваколоти доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

## 2. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

3. Жамият кузатув кенгаши ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини ҳар чоракда равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес – режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес – режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Жамият кузатув кенгашидан иборат Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини ташкил этиш ҳамда унинг низомларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг веб-сайти тўғрисидаги низомни ва бошқа низомларни тасдиқлаш;

- Жамият Тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

- Амалга оширилган харидлар натижаларини, мавжуд инвестиция лойиҳалари ижросини ва электрон тизимларни такомиллаштириш бўйича таклифларни муҳокама қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 9 – бобларида назарда тутилган ҳолатларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиб ва тугатиш;

- Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- мол – мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамият мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизмини, жамият ва унинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) кўриб чиқиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари фаолият билан шуғулланиш бўйича қарор қабул қилиш. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- “мувофиқлик тизими” (Kompleans) хизматини ташкил этиш ҳамда фаолият тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзолари лавозимига танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнларини ўз ичига олган регламентни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг ижроия органи, ички назорат органи, Жамиятда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, уни жорий этиш бўйича ягона акциядорга тавсия бериш ва мунтазам баҳоланиш бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини, шунингдек йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш учун малакали хизмат кўрсатувчи аудиторлик ёки консалтинг ташкилотларини жалб этиш бўйича ишларни мувофиқлаштиришни таъминлаш.

- ҳомийлик (хайрия) ёки безараз ёрдам кўрсатиши (олиши) тўғрисида қарорларни фақат ягона акциядор томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилиши;

- Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиши юзасидан назоратни амалга ошириши;

- Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиши учун мустақил ташилотни танлов асосида жалб этиши;

- Кузатув кенгаши барча инвесторларга, уларнинг даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабатни таъминлаш;

- ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиши.

4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **3. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШВА ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ**

5. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва Жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядор қарори билан уч йил муддатга сайланади.

6. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби **5 кишидан** иборат.

7. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

8. Жамиятнинг ижроия органи аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

9. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзолари вазифасини бажаришдан қуйидаги ҳолатларда озод этилади:

- ёзма ариза берган тақдирда;

- ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда;

- ўзининг мажбуриятларига риоя қилмаганда;

- белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;

- унга нисбатан озодликдан маҳрум этиши тўғрисидаги суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

- вафот этган тақдирда;

- соғлиги ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра вазифасини бажаришига қодир бўлмай қолган тақдирда.

11. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш ягона акциядор қарори билан амалга оширилади.

12. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар Жамият уставида ёки акциядор томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

#### **4. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

13. Кузатув кенгаши аъзолари Корпоратив бошқарув, менежмент, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳамда маркетинг масалалари бўйича билим ва кўникмалардан бирига эга бўлишлари лозим.

14. Давлат улуши томонидан Жамият кузатув кенгашига номзодлар (қонунчиликда ўрнатилган ҳолатлардан ташқари) Корпоратив бошқарув илмий – таълим Маркази томонидан берилган Корпоратив бошқарувчи малака аттестати ёки сертификатга эга бўлиши лозим.

Кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича сайланган аъзолар фаолиятига корхонада трансформация жараёнларининг самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш каби мезонлар асосида баҳо берилади.

#### **5. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

15. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

16. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

17. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

18. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

#### **6. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ**

19. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссияси, ижроия органининг, шунингдек ички аудит хизмати бошлиғи талабига кўра чақирилади.

20. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда

камида бир марта чақирилади. Йиғилишда мажбурий тартибда қуйидагилар кўриб чиқилади:

- *Жамият ижроия органининг Жамиятнинг йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги, Жамият таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисидаги ҳисоботлари;*

- *Жамиятда йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битми тузилиши, шу жумладан, ушбу битимларни тузишда қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя этилиши бўйича тафтиш комиссиясининг хулосалари;*

- *Ички аудит хизмати ҳисоботи.*

21. Жамиятда техник воситалар, кузатув кенгаши аъзоларини идентификация қилиш воситалари ва бошқа аппаратуралар мавжуд бўлган тақдирда, кузатув кенгашининг мажлислари видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

22. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

23. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

24. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

25. Жамиятнинг устав фондини (капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарорларни қабул қилиш Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

26. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўл қўйилмайди.

27. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг мажлис баённомаси котиб томонидан юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

28. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- *мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;*

- *мажлисда ҳозир бўлган шахслар;*

- мажлисининг кун тартиби;

- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

29. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

30. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

31. Жамият ижроия органи ҳисоботларини ҳар чоракда камида бир марта, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ва электрон овоз (e-VOTE) бериш йўли билан ўтказиладиган мажлисларда эшитиш.

32. Жамият Кузатув кенгаши мажлисларининг баённомаси Кузатув кенгаши котиби томонидан тузилади.

33. Жамият Кузатув кенгашининг котиби Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Кузатув кенгаши котиби сифатида, қоида тариқасида, Жамиятнинг корпоратив муносабатлар бошқармасига юклатилади.

34. Кузатув кенгашининг котиби бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

35. Кузатув кенгаши фаолиятини таъминлаш учун Кузатув кенгаши котиби барча зарур чораларни кўради.

36. Кузатув кенгашининг котиби:

- Кузатув кенгашининг иш режаси лойиҳасини тайёрлашни ташкиллаштиради;

- Кузатув кенгаши мажлисларини чақириш тўғрисидаги талабномаларни қабул қилади ва хабарномаларни юборади;

- Кузатув кенгаши мажлисларига ҳужжатлар ва материалларни тарқатади;

- Кузатув кенгаши мажлислари баённомаларини юритади ва тайёрлайди;

- мазкур Низомга, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ва Кузатув кенгаши раисининг топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

37. Мазкур низомда назарда тутилган ҳужжатлар ва материаллар Кузатув кенгаши котиби олган сана Кузатув кенгашига тақдим этилган сана деб ҳисобланади.

Кузатув кенгаши котибига у ўз вазифаларини бажариб турган давр учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдорида ҳар ойда ҳақ (мукофот) тўланади.

## **7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА**

## МАЖБУРИЯТЛАРИ

38. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиши, йиғилишида муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиши;

- кузатув кенгаши қарорига кўра муайян давр учун Жамиятнинг фаолияти, уни ривожлантириши режалари тўғрисидаги маълумотлар олиши;

- Жамият молиявий натижаларига кўра қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ўз вазифаларини бажариб турган давр учун мукофот ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариши билан боғлиқ харажатларни олиши.

- Қонунчиликда ва Жамият уставида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқлар;

39. Кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш, аудит, кадрлар бўйича ва бошқа қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

40. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагиларга мажбур:

- Жамият билан битим тузишида аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутулаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириши юбориши орқали Жамиятни хабардор этиши;

- ўзининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида у энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириши;

- Қонунчиликда ва Жамият уставида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар.

41. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият акциядори, ижроия ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

42. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

Кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари, аъзоларига 4 баравари ҳамда кузатув кенгаши котибига 3 баравари миқдорида ҳар ойда ҳақ тўлаб борилади.

## 8. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

43. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш



тутиши ҳамда қонун ҳужжатларида ва Жамият уставига белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

44. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

45. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

46. Жамият ягона акциядори Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан кузатув кенгашининг аъзоси устидан судга муурожаат қилишга ҳақли.

## **9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

47. Жамиятнинг корпоратив муносабатлар бошқармаси Кузатув кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан таъминлаш, шунингдек, акциядор ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик учун масъул ҳисобланади.

48. Ушбу Низом талабларини бузган айбдор шахслар ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

49. Агар мазкур Низомнинг маълум бир қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамиятнинг уставига зид келса, ушбу қоидалар ўз кучини йўқотади ва ушбу қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият уставига амал қилинади.